

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Зулфия Комилова.

Ўзбекистон археологларининг илмий изланиш ва кашфиётлари натижасида ўлкамизнинг қадимий тарихига оид бўлган масканлар, асори- атиқалар, ота-боболаримизни қадимий хунармандчиликлари ашёлари кўп наъмуналари топилди. Улар тарихни энг қадимги даврдан бошлаб токи маънавий ва моддий маданиятнинг ривожланиши тўғрисидаги барча тасаввурларимизни ўстиришимизга асос бўлиб келмоқда. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатиб келган археологлари учун ҳозирги замонавий технологиялар ёрдамидан фойдаланиш ва инновацион умумлашган турли ишларнинг асл йўналтириши бўйича анча кенг тадқиқотлар бажарилди. Археология борасида асосан Ўзбекистон археологларининг Франция, Германия, Италия ва Россия, Япония шунингдек Хитой каби бошқа давлатлар тадқиқотчилари билан ҳамкорлиги ҳам ривожланиб бормоқда. Шундай ҳамкорликлари натижасида масалан Тошкент воҳасидан қадимги гомид суяклари топилди. Дарҳақиқат тош даврига оид бўлган ёдгорликларни кенг тақиқ этиш самарасида республикамизнинг қатор вилоятларида мезолит даври яъни ўрта тош асри ва неолит яъни бу янги тош асри маданиятига оид йирик марказлар аниқланди, уларни тақиқ этилиши самарасида тош даври одами маънавий ва моддий маданиятини ибтидоилиги ҳақидаги тасаввурларни ўзгартирган қадимий жамиятларнинг ривожланиш режалари олимлар томонидан амалга оширила бошлади. Тадқиқот манбааларига кўра 8-7 минг йиллар илгари Зарафшон водийси ва Марказий Фарғонада ибтидоий хўжалик шакллари яъни жумладан балиқчилик, мева-қўзикорин териш, овчилик, чорвачилик, эчки ва қўйларни хонакилаштиришга ўтиш жараёни юз берган. Бу маданият тарихида қатор муҳим ўзгаришларнинг юз беришига





туртки берди ҳамда инсонларнинг турмуш тарзи, унинг дунёқараши ва қадимий эътиқодларига ўз таъсирини кўрсатган эди. Археологлар томонидан тасъвирий санъат каби маънавий маданият соҳасида ҳам катта ўзгаришлар пайдо бўлди. Археологлар томонидан Зарафшон тизмасининг жанубий тармоқларида топилган Сийпантош қояларига ўйиб ёзилган ёзувлар қадимий цивилизация борасида илмий маълумотлар олишда кўмак берди. Ушбу ёзувлар ва суратлар турли минерал бўёқларда чизилган кўешнинг тасвирлари экани аниқланди. Рамзлар санъатда чамаси ҳайвонлар ва уларни овлаш сахнасига оид анъанавий суратлардан фарқлироқ инсоннинг само ва юлдузларга оид тасаввурлари ўз аксини топган. Айниқса кулолчилик, заргарлик, тўқимачилик, металлга ишлов бериш каби ҳунармандчиликларни қадимий намуналарини топилишида археологларнинг меҳнатлари жуда каттадир. Шунингдек бронзадан меҳнат қуроллари, турли жанг қуроллари, зеб-зийнатлар, ҳайвонлар ва ёввойи қушлар, аждар тасвирлари тушурилган муҳр, туморларни қадимий асори-атиқаларимиз орасида кўришимиз мумкин. Дунёнинг қатор музейларида мавжуд милoddан аввалги 3 минг йилликларнинг охири ва 2 минг йилликларнинг бошларига оид бўлган археологик топилмалар тарихий ўтмиш сирларини очишда кўмак берди. Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган антик даврга оид Кампиртепа қалъасининг археологик ишлари ҳам жуда машҳурдир. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, қалъа Александр Македонскийнинг Суғдиёнага юришлари даврида Бактрия пойтахти Бактрадан Мароқанд томон олиб боровчи йўлда Окс-Амударёнинг ўтиш жойида қурилган. Кампиртепа қазилмаларида эллинистик ва қушонлар даврига оид кўплаб моддий ва бадиий маданият буюмлари топилган. Кулолчилик буюмлари бўлакларига ёзилган грек ёзувлари, турли расмлар тушурилган геммалар, тангалар, терри-кота ҳайкалчалари, бронза ва темирдан ясалган қуроллар ҳамда меҳнат қуроллари шулар жумласидан ҳисобланади. Ўзбекистон ўрта аср археологияси алоҳида аҳамият касб этади. Манбааларда шулар аниқланган эдики, яъни олдинги ўн йилликларда



моддий ва маънавий маданиятни археологик ўрганиш бўйича катта тажриби тўпланган, жумладан монументал деворий рассомчилик ёдгорликлари бўйича манхур кашфиётлар, ёзма ёдгорликлар ва нумизматика, ўрта асрлар яъни 5-8 асрларнинг халқаро маданий алоқалари, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Термиз ва Пайкент, Кува, Будрач, Мирдакхон, Ахсикент, Канка, Шохрухия каби йирик шаҳарларнинг мисолида ўрта асрларда шаҳарсозлик ва шаҳар маданиятининг ривожланиш жараёнларини ўрганилганлигини такидлашимиз жуда даркордир. Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий, хунармандчилик ва савдо маркази бўлган Ахсикентда олиб борилган археологларнинг катта изланишларини алоҳида келтириб ўтмасан бўлмайди. Ўзбекистоннинг қадимий масканлари қаторида ҳисобланган Наманган вилояти ҳудуди археологик обидаларга бойлиги билан бошқа вилоятлар орасида алоҳида эътироф этилади. Шунингдек Вилоятнинг Тўрақўрғон туманида-Ахсикент ва Ахси, Поп туманида Мунчоктепа, Чуст туманида Буонамозор, Косонсой туманида Муғтепа, Учқўрғон ва Норин туманларида Кайвонот ва Эйлотан, Чотқол туманида қадимий ирригация қурилмалари-коризлар муҳим археологик ёдгорликлари ҳисобланади ва археологларимизнинг тадқиқот марказларидандир. Наманган вилоятининг тарихий ёдгорликлари илмий асосда ўрганиш Туркистонни Россия босиб олгандан сўнг, 19-аср 80-йилларининг ўрталаридан бошланган эди. Вилоятда дастлабки археологик тадқиқотлар Сирдарёнинг ўнг соҳилига жойлашган Ахсикент харобаларида илмий археологик қазилмалар бошланган. Дастлаб 1888-йилда Н.И.Василевский раҳбарлигида илмий археологик ишлар бошланган бўлса, 1914-йилга келиб И.А.Кастания томонидан Ахсикент қазилмаларига асос солинади. Кейинчалик 1930-1935-йилларда моддий-маданий тарихи давлат академиясининг А.Латинин бошчилигида археологик экспедиция Норин ва Қорадарё оралиғида яъни Норин тумани ҳудудидаги Кўлтепа ёдгорликларида сўнгги бронза, темир даврининг бошларига оид Эйлотон шаҳри харобаларида тадқиқотлар олиб бориш бошланганди. 1946-йилга



келиб Косонсой шахрининг шимолий худудидаги қадимий Муғ қалъаси хоробалари ва Гўрмирон қишлоғи худудидаги қадимий қабрлар ўрганишга киришилади. Бунда Чуст маданияти номи билан киритилган бронза даврига оид қароргоҳ “Бунамазор” топилди. Бунамазорни топилиши Наманган вилоятида бундан 2800-3000 йил аввалги суғорма духқончилик, хунармандчилик ривожланиши, турли фойдали қазилмаларни мавжудлиги борасида илмий асосланган манбаалар берди. 1956-1960-йилларда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг собиқ номи Наманган ўлкашунослик музейи ходимлари археолог Ю. Чуланов бошчилигида археологик қидирув ишларини олиб боришган. 1959-йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА тарих ва археология институти, 1971-йилдан эса археология институтининг илмий ходимлари археологик тадқиқотлар ўтказа бошлайдилар. Нафақат Наманган вилоятида балки республикада машхур бўлган “Фарғона Афросиёби” номи билан аталган, 25 гектардан ортиқ ер майдонини эгаллаган Ахсикент археологик худудида археологлар И. Ахроров, А. Анорбаев, НамДу дотценти Й. Қосимов томонидан 70-йиллардан бошлаб олиб борилган қазилмалар натижасида Ахсикент қадимий шахристоннинг тарихини тўлароқ очилишига сабаб бўлди. Мудофа деворлари, хом ғиштдан қурилган 4-5-6 хонали уйлар, шувоқ, турли бўёқлар сурилган, уйлардаги ўчоқлар, супалар ва қудуқлар, омборхона ва ошхоналар топилган. 1989 йил май ойида Мунчоқтепа археологик ёдгорликларини қазиб жараёнида Марказий Осиёдаги охириги 30 йил ичидаги қўлга киритилган археологларнинг ютуқлари ҳисобланган Поп сағанаси ёки Дану дафинаси топилади. Тарихий манбааларнинг маълумот беришича эраизмнинг 7-асрларига келиб, Поп Ғовасой суғорма дехқончилигининг маркази ҳисобланган ва арслар оша ривожланиб борган. Чунончи Арки аъло ва ички шаҳарнинг сақланиб қолган қисмлари маҳаллий аҳоли орасида Баландтепа номи билан аталган эди. Ташқи шаҳар худудида эса фақат қадимий қабристон сақланиб қолган ва бу ерни “Мунчоқтепа” номи билан аталган. Бу Мунчоқтепа аслида тўртта бир-бирига туташиб кетган тепалик



бўлган.Сўнгивақтларда бу ерларга пахта экилганлиги боис,атроф хўжалик экинларига айланганлиги сабабли ўзгариб кетади.Поп сағанаси ер ости қурилмаси ҳисобланиб, баландлиги 2 метрни ва сатҳи 15 кв-метрни ташкил этган.Сағанага умумий бўлиб,47 та товут қўйилган.Улар 5 қават устма-уст қўйилган.Уларнинг 45 таси сараланган 45 та қамишдан ясалган.Ушбу тобутлар турли ёшдаги эркак ва аёллар жасадлари қолдиқларидир.Ҳозирда уларнинг 22 таси сақланиб қолган.Археологик топилмаларнинг энг кўпроғи 10 мингдан ортиғи мунчоқлар ҳисобланади ва бу мунчоқлар қимматбаҳо тошлардан ишланган.Шунингдек топилмалар ичида турли катталиклардаги нақшли ёғоч идишлар,мураккаб камонлар,торози паллалари,ҳайвон суякларидан ясалган турли туман жанговор қурол-аслаҳалар,ўқ-ёйларнинг кўплаб бўлаклари,жимжимадор безакли пичоқ дасталари мавжуддир. Бундай топилмалар Наманган вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўз даврида юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Бунга кўшимча равишда археологик обидаларни консервация ва музейлаштириш ишлари ҳам бошқа фаолиятлар билан баробар олиб борилмоқда.Археологик топилма масканларини энг қуйи қатламини ўрганиш натижасида эрамиздан олдинги даврлар тарихини ёритилишига асослан топилмоқда.Қазилма ишлари натижасида топилган асори-атиқаларимиз аجدодларимизнинг маданий қатламидан дарак берди.Бугунги кунда туризмнинг ривожлангани боис, қадимий археологик топилмаларимиз ва обидаларимизга дунё халқлари ўзларини диққат эътиборларини қаратмоқдалар.Шунингдек янги сайёҳлик йўналишларини тузиш ҳамда ички ва халқаро туризмни янада ривожлантириш,Ўзбекистоннинг тарихий-маданий боғларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш мақсадида Ўзбекистон илмий мероси ҳақидаги электрон маълумотларни илмий-оммабоп маълумотларни янада кенгайтириш юзасидан мутахассислар фаолиятларини олиб бормоқдалар. Археологик тадқиқотлар фундаментал илмий масалаларни тадқиқ этишдан ташқари, тарихий-маданий меросни сақлаш ва Ўзбекистон археологлариининг илмий изланишлари ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Фойданилган адабиётлар.

1. “Мозийдан садо” –илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.
2022-2023-йиллар.
2. “Маданият” –Ўзбекистон республикаси маданият вазирлиги нашри.
2023-2024-йиллар.
3. “Наманган вилояти меъморий обийдалари сирлари” – 2008-йил.
муаллифлар- И.Ю.Юсупов ва Э.Ю.Мирзаалиев.
4. “Наманган вилояти зиёратгоҳлари” – Наманган 2015-йил нашри.
Муаллиф- Л.Аҳмадалиева.
5. “Гулистон”-ижтимоий-сиёсий,илмий-бадий журнал- 2021-йил.